



ТЕМИРҲО‘ЛЧИ

О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2025-йил • 27-март • payshanba • № 12 (6541)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

МУЎТАБАР МАСКАНЛАР ОБОД ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 март куни Самарқандга ташриф буюриб, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Кунни кеча халқимиз билан Наврўз айёмини кутиб олдик. Бугун, муқаддас Рамазон ойида мана шу табаррук жойга келиб турибмиз. Бу улғу кунларга тинчлик-хотиржамликда етказгани учун Яратганга шукроналар айтамыз. Илоҳим, ҳамisha юртимиз тинч, элимиз фаровон бўлсин, ҳамма хайрли ниятларимиз амалга ошсин. Бу мажмуани Имом Бухорий бобомизга муносиб тарзда қураяпмиз. У зиёрат билан бирга маърифат, тарбия, ибрат ўчоғи бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Имом Бухорий мақбараси бутун ислом оламида эъзозли маскан. Кўп минг сонли зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда.

Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар. Бугунги кунда маҳобатли мақбара, 10 минг кишига мўлжалланган масжид қуриб битказилган. Баландлиги 75 метрлик 4 та минора мажмуага улғуворлик бағишлаган. Шунингдек, музей, айвонлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилган.

Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда миллий анъаналар ва иссиқ ранглардан фойдаланилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилади.

Бундан ташқари, ҳудудда икки минг ўринли йиғирмадан ортиқ меҳмонхона, хиёбонлар, тўртта таҳоратхона барпо этилади.

Бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланади. Шу ҳақдаги Президент қарорида калом илми султонининг Самарқанд шаҳридаги мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш белгиланган.

Ташриф чоғида Президентимизга ушбу лойиҳа тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, Мотуридий мажмуасида 1 минг 500 кишига мўлжалланган жоме масжид, маъмурий бино қурилиши кўзда тутилган. У ерда кутубхона, мажлислар зали, инновацион музей ҳамда мутахассислар учун хоналар бўлади. Мажмуа яқинида зиёратчилар учун автотураргоҳ, таҳоратхона қурилади.

Имом Абу Мансур Мотуридий ислом оламида ихтилофлар авж олиб, ҳар хил фирқалар кўпайган пайтда яшаган, бутун ҳаётини исломий ақидани ҳимоя қилиш ва маърифатини ёйишга бағишлаган. У зотнинг мотуридийлик таълимоти, “Таъвилотул Қуръон”, “Китоб ат-Тавҳид” каби асарлари бағрикенглик ва муътадиллик тамойиллари билан аҳли сунна вал-жамоанинг маънавий асосларига айланган.

Давлатимиз раҳбари бу тамойиллар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб бораётганини таъкидлаб, аллоҳ бобомизнинг меросини янада кенг ўрганиш ва жаҳонга тарғиб этиш, мажмуага келувчиларга шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир хайрли лойиҳа — Оқдара туманидаги Маҳдуми Аъзам қадамжосини обод қилишга қаратилган. Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимотининг раҳнамоларидан бири бўлган. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг, Самарқанд вилоятида абадий кўним топган.

Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида Маҳдуми Аъзам мақбараси ёнида уч қаватли автотураргоҳ, таҳоратхона қурилиши режалаштирилмоқда.

Самарқанд заминидан етишиб чиққан бошқа олим ва мутафаккирлар, азиз авлиёларнинг қадамжолари ҳам босқичма-босқич қайта таъмирланиб, обод қилинади.

Prezident.uz

2024 ЙИЛГИ ҲИСОБОТ ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ЖОРИЙ ЙИЛГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

26 МАРТ КУНИ “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ РАҲБАРИЯТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВИЧЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда мажлисининг кун тартибига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан 2023-2025 йиллар учун қабул қилинган тармоқ жамоа келишувининг мажбуриятларини бажариш бўйича 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2025 йилги болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти, департаментлар, бошқармалар, марказлар, хизмат бошлиқлари ва корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳамда Республика Кенгашига аъзо ва тасарруфидаги барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари, темир йўл ижтимоий хизмат муассасаси раҳбарлари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти етакчилар Кенгаши вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Сабиров раислик қилди.



Дастлаб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қадиров 2024 йилда темирйўлчиларимиз томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, юк ва йўловчи ташишда эришилган кўрсаткичлар, инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилган бунёдкорликлар, тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бажарилган ишларнинг ҳисоботи бўйича маъруза қилди. 2025 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда юк ва йўловчи ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўрсаткичларни ошириш ҳамда ишчи-ходимларни ижтимоий томондан янада қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилишини айтиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Сабиров маърузаси тингланди.



Темирйўлчиларга ижтимоий жиҳатдан кўрсатилаётган ғамғўрликлар, эътибор ва уларни муносиб рағбатлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида ҳисобот берилди. Шунингдек, темирйўлчилар фарзандларини ёзги мавсумда мароқли дам олиш

ларини таъминлаш масаласи кун тартибининг асосий мавзусига айланди.

Муҳокамалар жараёнида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг тегишли корхоналари раҳбарлари ва тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари раислари ҳам фаол қатнашдилар. Уларнинг йиллик ҳисоботлари тингланди. Йўл қўйилган камчиликлар аниқлашиб, ечимини кутаётган масалалар ижросини таъминлаш бўйича топшириқлар олинди.

Тадбир давомида жойларда ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган камчиликларни бартараф этиш, меҳнат муҳофазаси талабларини тўлақонли ташкил этишда касаба уюшмалари ходимлари меҳнат муҳофазаси масъуллари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланиб, уларни сифатли амалга ошириш таъкидланди. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, бажарилиши бўйича назорат ўрнатилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ФАРҲОД ЗУЛФИҚОРОВ: ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН

Маълумки, коррупция ва миллий тараққиёт масаласи — юрт тақдирини, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Охириги йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ҳам мазкур иллатга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.



“халоллик” вакцинаси билан эмлаш мақсадида мунтазам тарзда ўқув-амалий машғулотлар, профилактик суҳбатлар ташкил этиб борилмоқда.

Жорий йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Йиғилишда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади. Шу боис сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашиш бўйича қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди.



Айни пайтда мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилаётган бир вақтда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши курашиш, юк ва йўловчи ташиш йўналишида қулайликлар яратиш, хавфсизлик чораларини кучайтириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда шаффофликни таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунга Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Фарҳод Зулфиқоров билан долзарб мавзу юзасидан бўлиб ўтган суҳбатимизда яна бир бор амин бўлдик.

Давоми 2-бетда

ФАРҲОД ЗУЛФИҚОРОВ: ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН

Давоми. Бошланиши 1-бетда

– Фарҳод ака суҳбатимизни коррупция ўзи нима, унинг оқибатлари нималарга сабаб бўлиши ҳақидаги савол билан бошла-сак?

– Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра: Коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши ҳамда бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишига айтилади. Коррупция иллати демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиши, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, эркин бозор фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик ва бошқа салбий ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Шу боис ҳар қандай демократик давлат уни йўқ қилишни асосий вазифа сифатида белгилаб олади.

– Халқимиз орасида коррупция – бу фақат пора олиш ва пора бериш деб тушунадиганлар ҳам кўп, аслида ҳам шундайми?

– Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда мамлакатимизда кўпчилик коррупция дегадга фақат пора олиш ва пора бериш ёки коррупцион жиноятларни содир этишигина коррупция деб тушунилган. Коррупция бу пора олиш ёки пора бериш эмас, балки бу фуқароларни коррупцион хатти-ҳаракатларга ундайдиган ҳуқуқий тизим, шарт-шароитлар ҳам коррупциядир. Масалан, биринчиси бу пора олиш ва пора бериш, иккинчиси мансабдор шахслар томонидан давлат бюджети маблағларидан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланиш, кейингиси бюрократ-



тия, яъни фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига турли хил тўсиқлар (лицензия, рухсат бериш, тақиқ чоралари) қўйиш, булар ҳаммаси коррупциянинг турли йўналишлари бўлади. Умуман коррупция кўлами кенглигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими фаолияти қай тарзда амалга оширилади?

– Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ташкил этиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда, биринчидан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Тузилма барча зарур ресурслар, штат бирликлари ва бошқа моддий-техник база билан тўлиқ таъминланган. Иккинчидан, 2024 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига кўра 89 балл билан баҳоланган. Учунчидан, “Ўзбекистон темир йўл-

лари” акциядорлик жамияти темир йўл орқали ташиш жараёнини бошқариш фаолиятида хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш мақсадида “Ягона дарча” электрон тизим дастури ишга туширилди. Тўртинчидан, йўловчи ташишда коррупцияни олдини олиш мақсадида “Uzrailways tickets” мобил иловаси тақомиллаштирилди ҳамда йўловчиларга электрон тарзда билетлар сотилиши 50 фоиздан 72 фоизга кўтарилди. Бешинчидан, темир йўл орқали ички ташувларда мижозлар билан ишлашда инсон омилини йўқ қилиш мақсадида юк жўнатиш станцияларида электрон тарозилар ўрнатилиб келинмоқда. Олтинчидан, соҳада ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши бошқарув тизими халқаро стандарти талабларига мувофиқ ички идоравий ҳужжатлар қабул қилиниб, коррупция омилларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш бўйича самарали механизмлар жорий этилди. Еттинчидан, Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси



томонидан 2024 йил давомида жамиятда 46 та ходимнинг тадбиркорлик фаолияти тугатилди, 50 га яқин манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланган ходимлар бошқа ишга ўтказилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ходимлар билан 40 та давра суҳбатлари ўтказилди, 80 дан ортиқ юқори лавозимдаги ходимлар махсус курсларда, 2 мингдан ортиқ ходимлар эса коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумий ўқитилди.

– 2025 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш ва унинг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган?

– Дастлаб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ҳамда ички идоравий ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ кодекси талабларини Жамиятнинг барча ишчи-ходимларига тушунтириш ҳамда шахсий имзо остида таништирилиши таъминлашдир. Шунингдек, Жамиятга ходимлар томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғ-

рисидаги хабарномани ҳамда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш. Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларни белгилаш, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантиришдир. Қолаверса, Жамиятда коррупцияга қарши курашиш чораларини, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур ишлаб чиқиш, Жамиятга алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқирилишини таъминлаш. Жамиятда барча ходимлар учун коррупцияга қарши ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитиш, коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш ре-

жаларини тайёрлашда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Энг муҳими, Жамиятда коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ички идоравий ҳужжатларга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишдир. Шунингдек, ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Жамият раҳбарига “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида тегишли давр учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини амал қилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишни мақсад қилиб қўйган.

Ҳар бир фуқаро жонажон Ватанимизни коррупциядан холи, тинч ва хавфсиз ўлкага айлантиришга ўз ҳиссасини қўша, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда курашсак кўзланган мақсадга албатта, эришишимизни яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб билдик.

Рустам ҲАЙДАРОВ
суҳбатлашди

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

“Орзу” темир йўл бекатида ХТБ ходимлари “Орзу” ҳамда “Қўл” темир йўл станцияларини темир йўл ишчи-ходимлари томонидан темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, темир йўлга яқин бўлган Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган 20-, 22-, 24-сонли умумтаълим мактаблари, “Кўксарой”, “Чинор” ҳамда “Четсув” маҳалла фуқаролар йиғинларида темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ҳамда вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигини олдини олиш мақсадида хонадон эгалари билан оғоҳлик, хавфсизлик борасида профилактик суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳаракатдаги юк ва йўловчи поездларини темир йўл изларига бегона жисм орқали тўхтатиш ҳолатларини



олдини олиш мақсадида Қамчиқ темир йўл масофаси ишчи-ходимлари томонидан “Ангрен” – “Орзу” темир йўл станциялари оралиғидаги темир

йўл излари атрофлари бетон ва бегона жисмлардан тозаланди.

“Орзу” бекатида ХТБ ходимлари томонидан 2024 йил давомида “Ангрен – Поп” йўналишидаги юк поездларига ортилган халқ ҳўжалиги моддий бойликларини оз миқдорда талон-торож қилган 15 нафар фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари расмийлаштирилиб, Ангрен шаҳар ЖИБ судига қонуний чора кўриш учун юборилиб, юқоридаги 15 нафар фуқаро содир қилган ҳуқуқбузарклари бўйича яшаш манзилларига тақдимномалар юборилган.

Д.РАХИМОВ,
“Орзу” темир йўл бекатида ХТБ ХПГ катта инспектори, катта лейтенант
А.ТУРДАЛИЕВ,
“Орзу” темир йўл бекати раҳбари в.б.
О.ХАЛИЛОВ,
“Қўл” темир йўл станцияси раҳбари

“Тошкент – Самарқанд – Қарши – Шаҳрисабз” йўналишидаги юқори тезликдаги темир йўл участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш бўйича Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тадбирда Транспорт назорат инспекцияси, Транспорт прокуратураси, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлигини таъминлаш департаменти, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти Самарқанд вилояти филиали, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг тегишли бошқармалари, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармалари, “Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти, “Тошкент”, “Бухоро”, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиаллари раҳбарияти ва бўлим бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишга “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти



бошқаруви раиси ўринбосари, Идораларо комиссияси раиси ўринбосари А.Камилджанов раислик қилиб, мазкур йўналишда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизли-

ги ҳолати, аввалги йиғилишларда қабул қилинган қарорлар, транспорт вазири тасдиқлаган чора-тадбирлар режасидаги топшириқлар ижроси муҳокама қилинди.

Темир йўл диагностика лабораторияси ва контакт тармогини ўлчаш вагонлари билан “Тошкент – Самарқанд – Қарши – Шаҳрисабз” йўналишидаги темир йўл участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, мавжуд камчиликлар назорат қилиб чиқилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан, “Тошкент”, “Бухоро”, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиаллари раҳбарияти ва тегишли ҳўжаликлар ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари тавсиялар берилди.





“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА “САЙЁРАМИЗ СОАТИ” РЕСПУБЛИКА АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон қарори билан тасдиқланган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган муҳим саналар бўйича ўтказиладиган тадбирлар календарь режасининг 8-бандига мувофиқ, 2025 йил 25 март куни республикамызда “Ер вақти (кўни)” нишонланиши белгиланган.

Шу муносабат билан 26 март куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли барча минтақавий темир йўл узеллари, корхона ва ташкилотларда “Сайёрамыз соати” республика акцияси ташкил этилди. Акцияда тизимга тегишли бино ва иншоотларда бир соатга чироқ, компьютер техникаси, совутиш ва иситиш ускуналари ҳамда бошқа электр энергияси орқали фойдаланиш воситалари



рини тармокдан узган ҳолда, раҳбар ва ходимларнинг ихтиёрий равишда бир соат муддатга кўчага чиқиб, сайр қилишлари учун шароит яратиб берилди.

Хусусан, 1 минг 200 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатаётган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти марказий аппаратида ҳам электр энергияси билан ишлайдиган барча техник воситалар бир

соатга тармокдан узилиб, чироқлар ўчирилди. Раҳбар ва ходимларга ихтиёрий равишда табиатда сайр қилишлари тавсия этилди.

Ушбу акцияда темирйўлчилар фаол иштирок этишди.

Н.НУРМАТОВА

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ ҚИРҒИЗИСТОН ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Транспорт вазири Илҳом Маҳмамов Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқор элчиси Дуйшонкул Чотонов билан учрашди.



Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган автомобиль ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлигининг жорий ҳолати муҳокама этилди.

Хусусан, томонлар “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳаси ҳамда мазкур йўл қуриб битказилгунга қадар, “Қашғар – Иркештом – Ўш” мультимодал йўлаги орқали юк ташувларини ривожлантириш бўйича биргаликдаги сайё-ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашди.

НАВРЎЗ – УМРБОҚИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват, меҳнат-севарлик каби қадриятларни ўзида ифода этадиган Наврўз энг қадимий байрамлардан бири ҳисобланади.



Наврўз анъаналарини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш ўзбек халқининг маданий-тарихий меросига бўлган чуқур ҳурматни англатади. Ушбу байрамни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонлаш анъанага айланди. Хусусан, “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий қасаба уюшмаси кўмитаси ҳамда тасарруфиди бўлган Бошланғич қасаба уюшмаси кўмиталари томонидан Наврўз байрами кенг нишонланди. Корхоналарда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари, қадимий ва кўҳна шаҳарларга сайёҳатлар ташкил қилинди.

ЧЕТ ЭЛДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТЕМИРЙЎЛЧИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси топириғи асосида жорий йилнинг 16-20 март кунлари чет элда таҳсил олаётган темирйўлчи ёшлар билан уч-



рашувлар ташкил қилинди.

Темир йўл томонидан тузилган ишчи гуруҳи Н.Бауман номидаги Москва давлат техника университетида, Москва миллий технологик тадқиқотлар университетида, Россия транспорт университетида, Москва архитектура университетида ҳамда Санкт-Петербург давлат университетида таҳсил олувчи темирйўлчи талабалар ва олий таълим муассасалари раҳбарияти билан суҳбат олиб боришди.

Тадбир давомида талабаларнинг ўқиш жараёнлари, қизиқишлари, амалиёт ўташ ва бошқа масалалар бўйича таклифлари батафсил ўрганилди.

Университетлар раҳбарияти билан ҳам келгусида яна темирйўлчиларни ўқитиш тартиби, темир йўл тизимида бўлаётган ислохотлар, талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, Россия Федерацияси ҳудудида уларнинг амалиёт ўташ тартиб-қоидалари бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Шунингдек, талабаларимизнинг темир йўл соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлари ўрганилди. Улар билан доимий ишлаш тартиби йўлга қўйилди.

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ УЧУН САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартдаги “Маҳаллаларда томоқлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши ижроси бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Э.Ризаева бириктирилган Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани фуқаролари учун сайёр қабул ташкил қилинди.



Сайёр қабулда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Э.Ризаева бошчилигидаги ишчи гуруҳи ҳамда Олтинсой тумани ҳокими ўринбосари иштирок этди.

Мурожаат қилган фуқароларнинг муаммо-

лари тегишлилиги бўйича масъуллар белгиланди. Шундан сўнг тумандаги маҳаллаларда ижтимоий аҳволи оғир, кам таъминланган оила-ларга бориб аҳвол ўрганилди, томоққалардан унумли фойдаланиш, хонадонларни ижтимоий аҳволини кўтариш юзасидан суҳбатлар ўтказилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАДБИРҚОРЛАРГА ТЕЗҚОР ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Эндиликда “Ягона дарча” тизими орқали юқларингизни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб темир йўл транспортида ҳаракатланишни ўз профилингиз орқали онлайн тез ва осон кузатишингиз мумкин.

Бунда e-nakl.railway.uz (https://e-nakl.railway.uz/) платформасида товар кузатиш хизматидан фойдаланиш учун юк ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида ушбу менюни танлайсиз ва юкингиз ҳаракати ҳақидаги долзарб маълумотларга онлайн тарзда эга бўласиз.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти билан юк ташиш янги босқичга чиқмоқда. Биз сизга қулай, хавфсиз ва ишончли логистика хизматларини тақдим этамиз.

“КОРРУПЦИЯ – ҲАЛОКАТГА ЙЎЛ” ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

“Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамиятининг “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурий биносиди “Коррупция – ҳалокатга йўл” шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбирда узел тасарруфидида ходимлар иштирок этди ва Қашқадарё вилояти Транспорт хавфсизлик бошқармаси ходимлари мавзу юзасидан тушунчалар бериб, амалий тавсиялар тақдим этдилар.



Тадбир давомида коррупциянинг иқтисодий ўсишга, инвестициялар жалб қилишга ва жамоатчилик ишончига етказаетган зарари таҳлил қилинди. Фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари орқали шаффофликни таъминлаш ва фош қилувчиларни ҳимоя қилиш механизмлари эътироф этилди. Махсус тайёрланган видео тақдим қилиниб, роликда темир йўл соҳасидаги коррупцион ҳолатлар, уларнинг оқибатлари ва илғор тажрибалар қисқача кўрсатилган, бу қатнашчиларга мавзуни янада яққол тушунишга ёрдам берди.

Тадбир давомида темир йўл секторида коррупцияга қарши курашнинг қонунчилик, технологик ечимлар ва жамоатчилик назорати орқали амалга оширилиши муҳимлиги таъкидланди. Ушбу чора-тадбирлар соҳадаги шаффофликни ошириш ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим қадам ҳисобланади.



GEMINI TRAINS НАМЕРЕНА КОНКУРИРОВАТЬ С EUROSTAR В ПЕРЕВОЗКАХ ЧЕРЕЗ ТОННЕЛЬ

Число потенциальных конкурентов пассажирского оператора Eurostar в перевозках между Великобританией и континентальной Европой увеличивается. Осенью 2023 г. о намерении пустить высокоскоростные поезда на этом направлении заявили стартапы Evolvyn и Neuro, позднее к ним присоединилась компания Virgin Group, в связи с чем в Великобритании изучают возможность увеличения пропускной способности станции Сент Панкрас в Лондоне.



Компания Gemini Trains намерена выполнять перевозки из Лондона в Париж и Брюссель на правах открытого доступа к железнодорожной инфраструктуре, предлагая более конкурентные цены по сравнению с Eurostar. В дальнейшем она планирует расширить маршрутную сеть, включив в нее другие европейские города.

Возглавляет компанию Gemini Trains лорд Тони Беркли (Tony Berkeley), который принимал участие в проектировании и строительстве тоннеля под Ла Маншем, а в дальнейшем входил в руководство компании UK Rail Freight Group и нескольких европейских железнодорожных ассоциаций.

ПЕРВЫЙ НИЗКОПОЛЬНЫЙ ТРАМВАЙ ПОСТРОЙКИ КОНСАР ДОСТАВЛЕН В ХОРВАТСКИЙ ОСИЕК

Хорватский изготовитель подвижного состава Консар в марте 2025 г. доставил низкопольный вагон серии ТМК 2500 оператору общественного транспорта Осиека, четвертого по величине города Хорватии. Контракт стоимостью 25 млн евро на изготовление 10 вагонов был заключен в сентябре 2023 г., в основном он профинансирован из средств Национального плана восстановления и устойчивого развития на 2021 – 2026 гг. Оставшиеся девять вагонов должны быть доставлены оператору GPP Osijek к сентябрю 2025 г. Во время презентации трамвая власти Осиека объявили о заключении рамочного контракта с компанией Консар на поставку еще 10 низкопольных вагонов.



Трехсекционные трамваи серии ТМК 2500 длиной 20,8 м и шириной 2500 мм отвечают требованиям доступности для граждан с ограниченной мобильностью, оснащены системами кондиционирования и информирования пассажиров, каждый вмещает 135 чел., из которых 44 могут ехать сидя. После этапа испытаний первый вагон будет введен в эксплуатацию к лету 2025 г.

В Осиеке имеются две линии трамвая колеи 1000 мм общей протяженностью 30 км. В 2022 – 2024 гг. выполнена программа модернизации их инфраструктуры в рамках проекта стоимостью 45 млн евро.

ПЕРВЫЙ ТРАМВАЙ TRAMLINK ПОСТРОЙКИ STADLER ПРЕДСТАВЛЕН В ПОТСДАМЕ

ViP Verkehrsbetrieb Potsdam, оператор общественного транспорта Потсдама, столицы немецкой федеральной земли Бранденбург, в марте 2025 г. представил первый низкопольный вагон трамвая семейства Tramlink, изготовленный компанией Stadler. Контракт на поставку 10 ед. был заключен в декабре 2021 г., затем в рамках опциона на 15 ед. оператор заказал еще три вагона. Stadler также отвечает за поставку запасных частей и техническое обслуживание подвижного состава в течение 10 лет (с возможностью продления еще на 6 лет).



Вагон Tramlink шириной 2,3 м и длиной 42 м (примерно на 12 м длиннее, чем ранее поставленные Stadler низкопольные трамваи серии Variobahn) вмещает до 246 пассажиров, из которых 74 могут ехать сидя. В вагоне, отвечающем требованиям доступности для лиц с ограниченной мобильностью, имеются четыре многофункциональные зоны для размещения инвалидов и детских колясок. Трамваи оснащены восемью дверями (из них шесть – двустворчатые), современными системами кондиционирования и информирования пассажиров, USB-разъемами для подзарядки мобильных устройств. Пол в салоне выполнен в одном уровне.

В Потсдаме работают семь линий трамвая колеи 1435 мм суммарной протяженностью около 30 км с 63 остановками. Новые вагоны трамвая позволяют удовлетворить растущий спрос на пассажирские перевозки.

По материалам интернета

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Кўнгли тор одам узоққа боролмайди, ўзини ўзи адо қилади.

Фикри бор кишининг жим туриши қийин.

Ҳисоб-китобсиз одам узоққа бормади.

Ҳеч кими йўққа ҳам мерос топилади.

Ўтмиш ҳамиша ширин хотираларга бой бўлади.

Тушқунлик – ночорлик ҳосиласи.

Кечиккан фикр беҳуда.

Ортиқча истаган боридан ҳам айрилади.

Асосли таҳлиллар ҳақиқатга олиб боради

Ишонч кучинга куч қўшади.

Ўзига ишонганинг енгиб бўлмайди.

Нафрат жой олган кўнгилда муҳаббатга ўрин қолмайди.

МАЪНАВИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

МАҚСУД ШАЙХЗОДА НОМИДАГИ ЁШЛАР ИЖОДХОНАСИ ОЧИЛДИ

Машҳур ўзбек шоири ва драматурги Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университетида Мақсуд Шайхзода номидаги ёш ижодкорлар хонасининг очилиш маросими ўтказилди.



Унда Мақсуд Шайхзода ижодий меросини яқиндан ўрганиш, унинг асарларидан илҳом олиш ҳамда китоб ўқиш маданиятига меҳрни ошириш мақсад қилиб қўйилди.

Очилиш маросимини бошлаб бериш учун Тошкент давлат транспорт университети Ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Дилшод Баратов ташриф буюрди. Сўнгра университетнинг "Ўзбек (рус) тили" кафедраси доценти Шерматулла Юсупов сўзга чиқиб, мазкур ёшлар ижодхонаси ташкил этилганининг университетимиз талабалари учун катта имконият бўлганини таъкидлади.



Шундан сўнг "Ўзбек (рус) тили" кафедраси мудири Вазира Ҳасанова ўз нутқида университетимизда жорий қилинган Мақсуд Шайхзода номидаги махсус стипендия талабгорларнинг адабиётга бўлган қизиқишини янада оширишга катта туртки, бундай янги лойиҳаларни кашф этишига сабабчи бўлади, деб таъкидлади.



Мақсуд Шайхзода номидаги ёшлар ижодхонасини ташкил этган "Транспорт тизимлари бошқаруви" факультети Биродар Базарабаев ташриф буюрган меҳмонларни ижодхона билан ба-тафсил таништириб, қатнашувчиларни Мақсуд Шайхзоданинг илмий-адабий меросига бўлган қизиқишини янада оширишга эришди.

У 1965 йил 28 сентябрда Хоразм вилоятида туғилган. Ёшлигиданоқ актёрликка қизиққан ижодкор ўрта мактабни тамомлаб, 1983 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик институтига ўқишга кирган. 1991 йилдан буён Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият кўрсатиб, ўтган вақт давомида спектаклларда 60 дан ортиқ, киноларда 100 дан зиёд турли образларни ижро этди. Серқирра ва истёдодли актёр Тоҳир Саидов ўзбек томошабинларига "Кўнгил кўчалари" телесериалидаги образи билан танилди. Шундан сўнг "Шайтанат", "Мендирман Жалолдин", "Сардор", "Меҳмонхона" номли телесериалларда, "18 квадрат", "Сув ёқалаб", "Жасур", "Сотқин", "Сўғдиёна", "Чавандоз", "Илҳақ" каби бадиий фильмларда ёрқин, унутилмас образлар яратди.

Оилали, турмуш ўртоғи билан 2 қиз ва 1 ўғилни катта қилиб, юртимизга нафи тегаётган касб-корли фарзандларни тарбия қилишди. 4 нафар набиранинг меҳрибон бобоси.

Таниқли санъаткор фильмларда суратга тушиш ва овоз бериш жараёнлари билан банд бўлишига қарамай, темирйўлчи муҳлисари учун "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Ахборот-таҳлилий медиа маркази тасарруфидоги суратга олиш студиясига ташриф буюриб, "Темирйўлчи" газетаси муҳбирига интервью берди. Ушбу суҳбат сиз, азиз темирйўлчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

– Тоҳир ака, Жаҳонгир Аҳмедов режиссёрлигида суратга олинган "Илҳақ" фильмидаги ижроингиздаги Мардон раис образи томошабинларда катта таассурот қолдирди. Ушбу фильм ижодингизда янги қирраларингизни очди, назаримда. Келинг саволимизни ушбу фильмдаги ролингиз ҳақида бошласак, бу фильмга тасоди-фан танланганмисиз?

– Кино соҳасида тасоди-фан ҳеч нарса бўлмади. Чунки ҳар битта роль учун дастлаб фото танлов, сўнг эса кино танлов каби босқичлардан ўтилади. Ушбу жараёнлардан кейин маъқул келган актёр ролга тасдиқланади. "Илҳақ" фильми ҳам бундан мустасно эмас. Бир неча актёрлар билан танлов (кастинг)да қатнашдик, натижада режиссёр, қолаверса, бадиий кенгаш менда тўхтади ва ушбу ролни ишониб топширишди. Фильмдаги Мардон раис образи ўша вақтдаги тузум билан ҳаётланган одам. Унинг қалбида худоси бор, лекин "Худо" деб айтишга ўша тузумдан кўриқиб, ҳеч қачон тилига олмаган. Дилдаги гапни тилига чиқара олмасдан икки ўт орасида, асосатда умр кўрган инсон. Бироқ фильм охирида фарзандидан ажралган жойида барибир чидолмайди, "Аллоҳ" деб юборади.

– Сизнингча, инсон ҳаёти давомида турли қийинчиликларга дуч келганда, оғир кулларида, бошига мусибат тушганда бу вазиятдан қандай чиқиб кетиши мумкин?

– Оғир вазиятнинг ҳам, қийин ҳолатнинг ҳам ўз ўлчови бор. Инсон тақдирини баъзи бир қийин ҳолатлар бўладики, чиқилишнинг имкони бўлмай қолади, бундан Яратганнинг ўзи сақласин. Аввало, қийинчиликка тушган инсон қалбига Тангри талоо сабр беради ва ҳар бир синов вақтинча эканлигини унутмайлик. Бир пайтлар театримиз саҳнасида "Бухоро" деб

ТОҲИР САИДОВ: ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАГАН ИНСОН – МАЗМУНЛИ УМР КЎРАДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ўзбек кинофильмларидаги мураккаб, бир-бирини такрорламайдиган образларни ижро этиб, томошабинлар орасида катта ҳурматга сазовор бўлган таниқли кино ва театр актёри Тоҳир Саидовни танимаган, билмаган одам бўлмаса керак.



номланган асар саҳналаштирилган. Бу асарнинг бир саҳнаси менга дарс бўлган эди: "Онажон, кимсасиз саҳрода, қатраган чўлда ташна ҳолатда қолдим", дейди фарзанд Фозилхўжа, "Ўғлим, қаддингни ғоз тутгинда олға бос, олдинда чашма бор", дейди онаизор. "Мен у чашмага етим, сароб бўлиб чиқди, онажон". "Ўғлим, тушқунликка тушма, қаддингни ғоз туттиб, олға бос, яна чашмага етасан", дейди она. "У чашма ҳам сароб бўлиб чиқсачи, она", дейди ўғил. "Барибир қаддингни ғоз туттиб, олға юрсанг, албатта, чашмага етасан, ўғлим", дейди онаизор. Бундан хулоса шуки, демак инсон ўзининг бошига тушган тушқунликларга, қийинчиликларга учраганда "Бу мангу экан, шу билан mening умрим тугабдида, буёғига энди таслим бўлиб қўя қолсам бўлар", деган хулосага келиши керак эмасда. Спектаклдаги Фозилхўжанинг онаси айтган сингари қаддини ғоз туттиб, олға босавериш зарур. Шунда қийинчиликлар ўз-ўзидан орта қолиб, инсон ўша чашмага, бахтли кўнларга етади.

– Сиз кўпроқ салбий ва жиддий образларни ижро этасиз, бундан режиссёрлар танлаб беришадими ёки ҳаётда ҳам шундаймисиз?

– Комедия ролида ижод қиладиган актёрни майнавоз деб бўлмайди, албатта. Ҳаётда ҳам шунақа экан, деб хулоса қилиш ҳам нотўғри. Мисол учун ўзбек кино ва театрининг дарғалари бўлган Соёиб Хўжаев, Ғани Аъзамов, Наби Раҳимовлар каби қанчадан-қанча устоз санъаткорлар комедия жанрида ижод қилишган. Телевизион миниатюралар театрининг режиссёри ва актёри Эргаш Каримов ҳам ўта жиддий одам бўлган. Чунки жиддийликнинг орақсидан кулгу пайдо бўлади. Мен ҳам ҳаётда жиддийликка йўйиладиган бўлсам, жиддийман. Инсон бир ҳолатда юрмайдику, жиддий деганда умуман тиржайиб,

қулмайдиган одам ҳисобланмайди. У ҳам қулади, кўнгли барқ урган куни бўлади. Жиддий нарсга кетаётганда жойда сизнинг ҳазилингиз кўтармайди. Роллар борасида гапирадиган бўлсам, режиссёрлар ҳар бир актёрнинг ички дунёси, характерида келиб чиққан ҳолда роль таклиф қилади. Дарҳақиқат, менда ижобий ролдан кўра салбий ролларим кўпроқ.

– Бугунги кундаги ўзбек фильмлари ва сериалларида актёрлар учун тўланадиган гонорар ҳақи масаласига муносабатингиз қанақа?

– Кўп бўлса кетади, кам бўлса етади, дейди халқимиз. Ҳар битта нарсани белгиланган чегараси ва нархи бор, ана ўша нархидан ошқин баҳо қўядиган бўлсангиз, сиз уйингизда ўтираверасиз, сизни бирорта кинога таклиф қилишмайди. Ҳар бир лойиҳа келишув асосида бўлади, чунки биринчи томоннинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда сиз ўз нархингизни айтишингиз мумкин. Осмондаги нархни айтсангиз сиздан фойдаланишмайди, арзонроғини қидиришади. Берилмаган гонорарлар ҳақи бугунги кунга яраша, шунисига ҳам шукр деймиз.

– Хиёнат, жиноят, ёлгон, буларнинг бари инсонни бошини эгади, гурурини сундиради. Бу ҳақда сизни фикрингиз...

Ҳаётда ёлгон қурбонига айланганмисиз?

– Мен ёлгон гапирганман, ёлгонни яхшилик учун гапириш керак. Баъзан ёлгон гапирмасликни илжои бўлмай қолади, ёлгон гапирсангиз битта оила сакланиб қоладиган ҳолат бўлади. Лекин мен жиноят, хиёнатдан Яратганга шукрки, 60 ёшимгача йироқдаман. Агар бирорта жиноят ёки хизмат хиёнат қилган бўлганимда қозир сиз билан суҳбатимиз ҳам бўлмасди.



– Санъатни севган инсон мазмунли умр кўради, дейишади. Бу гапга қанчалик қўшилиасиз?

– Нафақат санъатни, балки ҳаётни севган инсон мазмунли умр кўради. Уни касбидан қатъи назар ҳаётдаги ҳар битта воқеани яхшилик билан қабул қилиб, яхшиликка йўналтириб, бориға шукр, йўғига сабр қилиб, сизга берилган фазилатларингизни аямасдан сарф қилсангиз, ана шундан инсон бу дунёда бахтли умр кўриб ўтади. Ҳаётни севиб яшасагина инсон мазмунли умр кечириди.

– Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?

– Инсондаги садоқатни қадрлайман, нимагаки ҳар бир инсон бир-бирига содиқ бўлиши керак, садоқат билан ёндашиш зарур. Садоқат қилмасдан сотқинлик қилганларни кўрганимда ранжийман.

– Сиз оилада фарзанд тарбиясида идеал отаман, дея оласизми?

– Идеал отаман, деб ўзимга ўзим катта баҳо беролмайман. Инсон борки, камчиликларга эга бўлади, ҳамиша бир хилда бўлиб яшай олмайдиган инсон. Менинг ҳам камчиликларим бордир, бу аёлимга, фарзандларимга кўпроқ кўринади. Мен мувоzanатни ушлаб туришга ҳаракат қиламан, чунки бу ота-онамдан ўтган тарбия. Бу тарбияга путур етказмасдан фарзандларимга етказиш ҳаракатида бўлганман. Мен фарзандларимга баъзида қаттиққўл отаман, баъзида дўстман, баъзида эса мен улар билан улфатман, баъзида қулишиб, чакчақлашиб ўтирадиган ҳамсуҳбатман. Баъзида уларнинг орақсидоги қудратли тоғман, ишонса ариғудек.

– Деялик вақт машинаси сизни 20 йил аввалги пайтга қайтариб қўйганда нима қилардингиз?

– Илоҳи бўлса мени 20 йил орқага қайтарман. Ўзи охириги 20 йилда яшаётгандай бўлаялман, ҳеч нарсани ўзгартирмасдим. Отам айтарди "қирқ ёшинда сурнай чалишни ўғраниб, ўлганингдан кейин чаласанми" деб. 20 йил олдинга қайтган тақдиримда ҳам шу йўлни яна босиб ўтардим. Ўзи охириги 20 йилда бахтлироқ яшайалман.

– Сизнингча, бугунги кунда театр, кино ёки сериаллар томошабинларга қандай таъсир кўрсади?

– Телевидение орқали намойиш этиладиган фильмларнинг ҳам мени бор. Ҳар ким ўзига нима ёқини томошабиннинг ўзи танлайди. Кимгадир қайсидир йўналиш ёқади ва сиз хоҳлаганингизни қўришга ҳақлисиз. Мисол учун, театрда "Гамлет" спектаклини қўйсақда, ўз уйида фожеа бўлиб ётган одам келиб "Гамлет"ни дардини эшитиб кетиши керакми?! У кўнгли кўтарилишини хоҳлапти ва комедия йўналишида ишланган асарларни кўради. Биласизми, кино ва телевидение ҳамда сериалларнинг томошабинларга таъсири жуда кучли бўлади. Ҳар бир театр, кино ва сериалларнинг ўз томошабинлари бор.

– Тоҳир ака, Ўзбекистон темир йўллари ҳақидаги фикрингиз билмоқчи эдик, умуман сиз поездларимиздан фойдаланиб турасизми?

– Мактабни битирибқ Хоразмдан Тошкентга илк бор поезда келганман. Пойтахтга 1982 йилда келган бўлсам, қарийб 40 йилдан ошибдики, ҳали-ҳануз поезддан фойдаланаялман. Тўғри, Ўзбекистон ҳаво йўлларида, автобус ва шахсий машиналарда ҳам ижодий сафарларга бориб турамиз. Бироқ аксарият ҳолатларда мамлакатимиз ҳудудидаги ижодий сафарларга боришда кўпроқ поезд асосий транспортимиз бўлади. Ҳамкасблар ва муҳлисларимиз билан манзилга етиб борганимизни ҳам сезмай қоламиз баъзида. Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўлларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражалари жуда яхши йўлга қўйилган. Вагонлар, ўриндиқлар, кўрпа-тушаклар жуда тоза, гигиеник талабларга тўлиқ жавоб беради, назаримда. Вагон кузатувчилари хушмуомалалик билан чой ёки кофе тайёрлаб беришади. Вагон ресторанида ҳам таомларнинг саралари мазали қилиб тайёрланади. Талабани қилиб даврида Хоразмдан Тошкентга ва Тошкентдан Хоразмга борганимда тамбурлар тўла одам бўларди, плацкартнинг 3-полкасида, аслида тушаклар қўйиладиган қисмида оғир шароитларда ётиб, манзилга аранг етиб олардик. Тошкент ва Хоразм оралиғида институтни мана шундай ҳолатда битирдимку. Ҳозир бунақа нарсалар йўқ, ўзингизни жойингизда мазза қилиб кетасиз. Суҳбатимиз якунида халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг қуйидаги жумласини айтиб ўтсам:

"Дунё мисоли қурилаётган бир иморатдир, яхши инсон шу иморатнинг ривожини учун бир гиштини қўйиб ўтади. Ёмон инсон эса шу иморатдан бир гишт қўчириб ўтади".

Мен юртдошларимизнинг яхши инсон бўлиб, дунё иморатининг ривожига бир гишт қўйишга, асло иморатдан гишт қўчириб ота-она, эл-юрт, миллат юзини ерга қаратмасликка чақираман.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди

МУАССИСЛАР:

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темури шохқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Муҳбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-334 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6